

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти

Барча педагогик таълим ("Бакалавр")

йўналишлари учун.

А.Р.БЕРУНИЙ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Қўқон 2003 йил

Тузувчилар: Юсупов М.М.
- Умумий педагогика кафедраси уқитувчи.

А.Р.БЕРУНИЙ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ҲАҚИДА

Р Е Ж А

1. А.Р.Берунийнинг ҳаёти ижодий фаолияти ва ижтимоий дунёкараши.
2. Урта Осиёда фан ва маданият тараккиётида тутган урни
3. Беруний асарлари ва унда инсон камолоти ва тарбиясига бағишланган гоёлар.
4. Берунийнинг дунё педагогика фани тараккиётига бағишланган гоёлар

1. А.Р.Берунийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ва ижтимоий дунёкараши.

1. Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний Хоразм пойтахтида хижрий 362 йилда, милодий 973 йилда тугилган. Унинг тарбияси билан Абу Наср Ирокий шугулланади.

Х асрнинг биринчи яримида Хоразм 2 қисимга бўлиниб, буларнинг бирида, яъни жанубий қисмида Шох Абу Абдулло Муҳаммад, иккинчи қисмида, шимолий қисмида эса Хоразм амири Маъмун ибн Муҳаммад ҳуқумдор эди. 995 йилда бу икки ҳуқумдор уртасида тахт учун бўлган қуршлар Маъмун ибн муҳаммад ғалабаси билан тугади. Ягона Хоразм давлати ташкил топди. Хоразмшоҳ Абдуллонинг енгилиши Қот шаҳрида тинчгина илм билан шугулланаётган кишилар ҳетига салбий таъсир қурсатди. Шулар қаторида 22-23 ёшлардаги Беруний ҳам илмий ишларини тўхталиб, дастлаб Журжон сунгра Рай шаҳрига кетишга мажбур бўлди. 995-997 йилларда Рай шаҳридаги расадхонада қузатиш ва улчаш ишларини олиб борди.

Беруний бошланғич таълимни қишлоғдаги мактабда олган, сунгра йирик мунажжим ва математик Абу Наср ибн Ирок таълим-тарбиясида улғайган. У 17 ёшда ёш мунажжим олим сифатида танилди. Беруний Хоразм, форс, араб, юнон, санскрит ва яҳудий тилларини пухта урганган. Журжон ҳокими Қобус ибн Вишмигир саройида илмий ижод қилиш учун қулай шароитга эга бўлиб, ёшлигида тўплаган материаллари асосида қитоб ёза бошлади. 1000 йилда эса Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" номли қитобни ёзиб тугатади 1004 чи йилнинг бошларида Беруний Маъмун 2 томонидан Хоразмга чақириб олинади ва саройда шохнинг яқин маслаҳатчиси сифатида қурсатади. Беруний арабча шерлар ёзади. Беруний "Ўтмиш ёдгорликлари", "Хоразмнинг машҳур аодлари", "Геодезия", "Минералогия", "Ҳиндистон", "Фармокология", "Қонуни Маъсудий" ва бошқа асарларни яратган. 1010-1017 чи йилларда А.Р.Беруний Ақалик ва узунлик жугрофик нукталарни ҳисоблаб қикди. 1016 йилда "Қуёш ҳаракатини аниқлаш йули" деган қитобни ёзиб тугатди. "Маъмун

академия"си Беруний учун фан чуққиларини забт этишга ёрдам берди. 1029-1034 йилларда булмиш-Рахонга атаб "Китоб ат тавхим" , яъни "Фалаккиёт санъати" мукадиммасии тушинтириш китоби асарини 1048 йил охирида "Китоб ас-Сайдони" сингари асарларини яратди. Ал-Беруний 150 дан ортик ноёб дурдона китоблар ёзиб қолдирди. Шулардан бизгача 30 дан ортик китоби етиб келган.

Беруний энг сунгги нафасигача дунё сирларини очиш билан бирга инсоният яратган билимларни урганиш, умумлаштириш ва баён этишга уз кмрини сарфлаган, Беруний умрининг сунгги кунларида бундай деб ёзган эди: "Биргина нарса учун узокрок яшашим керак эди, у ҳам булса кулимдаги нотамом асарларни тамомлаш ва окка кучирмай қолганларни кучириш эди". Аммо, дахшатли улим, раҳмсиз ажал буюк олимнинг максадига етишишга имкон бермади. У 2 декабр 1048 йилда 75 ёшида Газна шаҳрида вафот этди.

Берунийда халқпарварлик, ватанпарварлик, исчил иноснийлик, хақиқий илмий қараш ва ҳулосалаш узвий равишда чамбарчас боглик. Абу Райхон Берунийнинг ижтимоийлик, ахлоқ ва одобнинг асосий масалалари буйича қарашлари инсонийлик туйғуси билан йугрилган. У халқлар уртасидаги дустликни ёқлаб, ҳукмдорларнинг узаро урушларига қарши чиқади. Унинг ижтимоий қарашлари марказида инсон, инсоний ҷамият туради.

2. Урта Осиёдаги фан ва маданият тараккиётида тутган урни.

2. Абу Райхон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал Беруний урта асрда жуда огир машаққатли ҳаёт кечиришга қарамадан узининг илм фан ва маърифат соҳасидаги улкан хизматлари билан бутун дунёга уз замонасининг буюк файласуфи, мунажжим математиғи, ғиағи, доришуноси, жуографиячиси, тарихчиси, адабиётчиси, машҳур педагоғи ва бошқа фанларни чуқур билган қомусчи олим сифатида танилди. Олимнинг илмий мероси ҳали урта аср шароитида жаҳолатдан қутилмаган қарбий Европага илм нуруни тарқатди. Жумладан, унинг "Ат-Тавхим", "Масъуд қонуни" номли асарлари уша даврда ва кейинги даврларда ҳам мактабларда уқилиб келган экан.

Берунийнинг илмий фаолияти узидан кейинги авлодга ҳам жуда қатта таъсир қурсатмоқда. Умар Хайём, Н.Турссий, Чағманий, Улугбек А. ли Қушчи ва бошқалар Берунийни узларининг устозлари деб ҳисобланган эканлар. Биринчи Берунийшунос немис олими Э.Заҳау Берунийга "Фан океанидан яққаю-яғона қоядир" деб юқсак баҳо берган. Демак, Берунийнинг илм-фан ва маданият тараккиёти тарихида тутган урни қаттадир.

Унинг таълим-тарбия тугрисида баён қилинган фикрлари Урта Осиё халқларининг педагоғика фанига оид фикрлар тарихини урганишда юқсак аҳамиятга эғадир. Буюк аллома Беруний асарларининг мазкур ва моҳиятидан, унинг таълим-тарбия тугрисидаги олам шумул фикрлари маданият ва тарих ҳазинасига битмас туганмас ҳисса булиб қушилган. Шундай қилиб, буюк олим Берунийнинг илмий мероси табиий-илмий, ижтимоий-ғалсафий қарашлари ҷамият ва инсон ҳақидаги қимматли, фикрлари

мехнаткашларнинг, укувчи ёшларнинг илмий дунекарашини бойитиш ва кенгайтиришда муҳим аҳамиятга касб этади.

Беруний жамиятда, ижтимоий турмушда адолат масаласига катта аҳамият беради. Жамиятдаги жуда кўп муассаса, ташкилотлар Беруний фикрича, зарурий эҳтиёжлар орқасида келиб чиқган бўлиб, одамларнинг узаро келишувларининг ҳосиласидир. Олим пулнинг пайдо бўлишини шаҳар, хунармандчиликни вужудга келиши, меҳнат ва меҳнат маҳсулотларини тахсимланиш каби масалалар инсон ақл заковатига, унинг машғулоти турига, касбкорига асосланганлигини таъкиблайди. Беруний учун инсондан шарафлироқ ва қимматлироқ аод йўқ. У кишиларнинг қундалиқ турмушдаги юриш туришлари, узларининг тутиши, одамларнинг сузи, қалби, кийим, бажарган меҳнати ҳамма-ҳаммасига гузал бўлишини талаб этган. Берунийнинг мақсади инсон қиёфаси, унинг юриш туриши, хатти-ҳаракати, ўз ифодаси билан юзага келишини тўқроқ айтиб, укувчига гузаллик қонунини етказди. Беруний табиий гузалик билан бирга инсон ахлоқида феъл-атворида гузалик бўлигини тушинади ҳамда биринчидан иккинчисининг тўқ фарқини қўради. Улуғ олим ва педагог А.Р.Беруний узининг буюқ хизматлари билан ўзбек халқининггина эмас, балки бутун Ўрта Осиё халқларининг фахри, бутун жаҳон илғор кишиларининг ифтихори сифатида яшаб келди ва яшамокда.

3. Беруний асарлари ва унда инсон қамолати ва тарбиясига бағишланган гоёлар

3. Юқорида биз буюқ матафаккир, олим ва педагог Беруний асарларини санаб ўтдик Берунийнинг асарларида улуғ олимларга ҳос икки хусусият бордир:

1. Хўр ва бетараф муомалада бўлиш.

2. Мўсбат билимга номувофик ва ақлга ўйғун бўлмаган бўш ва асоссиз фикрларга боғланиб қолмаслик. мавзунини танқидий аёхн билан тадқиқ этмок, етарли далиллар топилгандан кейин ҳақиқатни тасдиқламок лозим. У инсоннинг қадр қимматини улўтлаган, инсонларнинг ишонч ва маъмуриклари бир-бириникидан фарқ қилишига диққатни тўртган, аммо дуне маданияти такомил ва шу ранг-баранглик натижасида бунед бўлганини тасдиқланган. Унинг фикрича, инсонлар ўқ сабаб билан бахтсизликка дўчор бўладилар:

1. Инсон ер юзида яратилганлар орасида энг мумтозидир. Аммо инсонлар қизганчилик сабаби бир бирларнинг қўлларида бўлган нарсаларга қўз тикадилар. Бу ҳам ижтимоий ҳузурсизликка сабаб бўлади.

2. Ўз ишончини, масхабини ва қабиласини бошқалардан ўстун қўймок инсонлар орасида нифокларга йўл очади.

3. Хўрофотлар ва бўш ишончсизлик инсонликнинг такомилини орқага сўрмокда ва тушунмовчиликларни юзага келтирмокда.

Беруний "Хиндистон" асарида шуларни ёзади:

Бу китоб баҳолашиш ва тортишиш китоби эмас, шунинг учун бу китобда душманлар исботини келтирмайман ва ҳақиқатдан четга чикганларга қаршилиқ қурсатмайман. Бу факатгина баён қилиш китобигина ҳолос.

.... Илм эса жасад табиатини уз ҳолига қуйиб, қуёш туқунидан ёки булутдан тозаланганидек, нафс қоронғуликдан тозалайди.

..... Ақл эса ҳеч қачон вақт ва замонга бойланмай, нарсаларни ҳақиқатини била олади, утмиш ва келажакдаги нарсалар ҳам унга баробардир. Ақлнинг энг яқин ёрдамчиси фикр ва табиат, энг узок ёрдамчиси бешта сезгидир. Сезгилар билинганлардан бир булагина фикрга етқизса, фикр уни сезги янгилашларидан тозалаб, ақлга топширади. Ақл унинг умумий (илм) га айлантиради ва буни нафосга билдиради, нафс шу йул билан олимликга айланади.

.... Яна бошқа муваффақиятларни қўлиб амалга мос қиладиган қувватини эгаллаш билан ҳам илм ҳосил бўлади.

..... Яхши ҳулқ, дин талаб этадиган ҳулқлар бўлиб, шохобчалари қўп бўлса ҳам, уларнинг фикрича, асл ва асоси қўп маъноларни уз ичига олган бир мунча ишлардан иборатдир.

- Улар : 1) Улдирмаслик; 2) Ёлғон гапирмаслик;
3) Уғирлик қилмаслик; 4) Зино қилмаслик;
5) Мол йиғмаслик; 6) Кейин доимо қўқ ва тоза бўлиш;
7) ҳамиша руза тутиб, узини қийнаш;
8) Тангрини қўқлаб ва улуглаб, унинг ибодатига ёпишиш

Беруний инсонни ҳар томонлама қамол топишишини энг аввало меҳнат билан, уқибмаълумот ва ҳунар эҳаси бўлиши билан боғлиқ деб қилган. Унинг фикрича, инсон ақли ва маърифатлиғи билан барқамол ва расодир.

Маълумки, қиши қамолотида уч нарса (ирсият, муҳит, тарбия) асосий ва етакчи роль уйнайди. А.Р.Беруний инсон қамолоти ҳақида гапирганда, уни гузаллик, қўққамлик, олий жаноблик мардликда деб қилди. Биз- деб ёзади, олим, -эраталаб нонуштасини қилиб, қечқурун шомлиғини ёб-ичиб қўрганни мард қиши демаймиз. Мард қиши шундай одамки, эртаю-қеч душманга зарару, дустрларга фойда етқазган қишидир.

4. Берунийнинг дунё педагогика фани таракқиётига қўшган урни

4. Беруний педагогика тарихи ва таълим-тарбия масалаларига ижодий ёндашди. Олимнинг таълим-тарбия ҳақида, уқиш-уқитиш соҳасидаги қарашларининг иқллаш ва ҳар томонламалиғи билан қимматлидир.

Беруний узининг таълим-тарбия ишларида ва қарашларида аниқ фанларни, қўнончи, энг аввало, математика, тарбиятшунослиқ, физика, қимё ва бошқаларни урганиш, қолаверса, уқувчи, албатта, фалсафа, мантик ва тил илмини қилиш зарурлиғини алоҳида уқтиради. Буюқ мутафакқирнинг таълим-тарбия соҳасидаги ишлари уз ичига қўйидагиларни олади:

1. Аклий ва ахлокий тарбия
2. Нафосат ва меҳнат тарбияси
3. Оилавий тарбия
4. Дустлмик ва байналминал тарбия.

1. Беруний фанларни яратган билимларни урганишда уларга онгли ва танкидий ёндошган.

2. Олим кайси фан билим машхур бўлмасин, у уша фанни синчиклаб урганган, аник маълумотларни туплаган ва уз карашларини ишлаб чикиб, янги усул ва хулосалар баёнида умумлаштирган.

3. Сехиргар-жодугарлар учун текин даромад манбаи бўлган сохта фанларни фош қилиб, Билимда хақикий фанларни ролини уз тажриба ва кузатиш методлари орқали исботлайди.

4. Беруний халқлар тарихини баён қилишда диний, ирқий ва миллий карашлардан холис бўлиб, таълим олиш ва бу ишда қиёсий таҳлил методидан фойдаланишни курсатади.

5. Уқитишда ёдлатиш эмас, балки тушиниғ, мантикий фикрлаш, хулосалар чиқариш йулига амал қилиш лозимлигини айтади.

6. Уқитишда укувчининг қизиқиши ва интилиш ҳисобга олиниш ва муаллим уз шогирдига ҳушмомилали бўлишини тақидлайди.

7. Уқитишда турли учул ва методларни қуллаш, яъни қараб чиқиш, уқилмаган мавзуларни уқиб олиш, қерақли жойларни қайта уқиб олиш ва умуман яна, яна уқиб чиқиш ва тушуниб олиш лозимлигини қайта-қайта уқтиради.

8. Укув қуроқларини, қитобларни эътибор билан авайлаб-асраб тутиш, бу қитоблар инсониятнинг бойлиғи эканлигини курсатади.

9. Берунийнинг фан уз йли билан, дин уз йули билан яшашини уқтирган, фанни диндан ажратиш йулида биринчи бор хақиқатни ҳимоя қилган мутаффақир деб биламиз.

НАЗОРАТ САВОЛЛАР

1. Абу Райхон Беруний урта асрнинг буюқ қомусий олими.
2. Берунийнинг ижтимоий фалсафий қарашлари хақида
3. Беруний ёш авлодни уқитиш ва тарбиялаш масалаларига қандай эътибор берган?
4. Беруний асарларида қандай ҳусусият мавжуд?
5. Беруний таълим тарбия соҳасида қандай ишларни амалга оширган?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Абу Райхон Беруний ҳаёти, унинг асарлари, асарларининг таълим тарбиявий аҳамияти.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. А.Р.Беруний. Рухият ва таълим-тарбия хакида. Туракулов С., Рахимов, Т. Укитувчи 1992
- 2.Шарипов Ф.М. Сиёсатшунослик. Т.1992 й.
- 3.Политология асослари. Т.1992 й.
4. Л.И.Рувинский. Тербиявий иш методикаси. Т. 1991 й.
5. С.П.Баранов, Л.Р.Болотина, В.А.Сластелин. Педагогика.
6. Нуриддинов З. Абу Райхон Берунийнинг педагогик қараши. Т. 1973 й.